



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 12 июль, № 140 (8763)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВОДИЙ ЖАВОҲИРИ — ФАРҒОНА ЙИРИК САНОАТ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти, ҳудудлар ривожини билан яқиндан танишиш мақсадида 11 июль куни Фарғона вилоятига келди.



Мамлакатимизда транспорт инфратузилмаси соҳасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Биргина ҳаво йўллари тармоғида Самарқанд, Термиз, Мўйноқ, Зомин аэропортлари янгилашиб, ишга туширилди. Тошкент ва Урганч халқаро ҳаво портлари таъмирланмоқда, “Тошкент — Шарқий” қайта қурилмоқда.

Жорий йил март ойида Кўқон аэропорти ҳам янгидан очилган эди. 11 июль куни Ўзбекистон Президентининг самолёти илк бор бу ерга қўнди.

Мазкур аэропорт 1977 йилда қурилган бўлиб, яқин йўналишларга парвозлар амалга оширилган. Кейинчалик фақат ҳарбий ҳаво кучлари томонидан фойдаланилган. Модернизация натижасида ушбу аэропорт орқали яна фуқаро авиацияси парвозлари йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Аэропортда 100 нафар йўловчига мўлжалланган янги терминал қурилган, учиб-қўниш йўлаги қопламаси таъмирланган. Замонавий аэронавигация ускуналари ўрнатилган. Бу ишлар натижасида аэропорт А320-200 ва АTR 72-600 русумли самолётларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз энди бу аэропорт халқимизга манфаат келтириши кераклигини таъкидлади. Бунинг учун нарх ва хизматларни одамларга қўлай қилиб, парвозларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ички туризм имкониятларидан фойдаланиш яхши самара бериши, халқаро рейсларни ҳам йўлга қўйиш мумкинлиги қайд этилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Indogama Kokand Fertilizers and Chemicals” акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда кимё саноати жадал ривожланмоқда. Сўнгги беш йилда бу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробар ошиб, 45 триллион сўмга етди. Хусусан, янги қувватлар ҳисобига минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми 17 фоизга кўпайиб, йилига 1,4 миллион тоннадан ошди. Бунда самарали инвестиция лойиҳалари катта ўрин тутмоқда.

Собик Кўқон суперфосфат заводи молиявий соғломлаштириш ва диверсификация қилиш мақсадида 2019 йилда Сингапурнинг “Indogama Holdings BV” компаниясига инвестиция мажбуриятлари билан сотилган эди. Унинг негизида “Indogama Kokand Fertilizers and Chemicals” корхонаси ташкил этилди. 70 миллион доллар хорижий инвестиция

жалб этилиб, ишлаб чиқариш технологиялари модернизация қилинди. Испания, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Россия давлатларининг етакчи компанияларидан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Қўшимча 150 та иш ўрни яратилди.

2021 йилда модернизация ишларининг биринчи босқичи доирасида аммонийлашган суперфосфат, сувда тез эрувчан комплекс минерал ўғитлар, азот-фосфор-калийли (NPK) минерал ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Завод қуввати йилига 75 минг тоннадан 450 минг тоннага етказилди.

Хомашёлар маҳаллий корхоналардан олиб келинади. Масалан, фосфорит уни Қизилқумдан, сульфат кислотаси Олмалиқдан, аммоний сульфат Чирчиқдан, аммиак “Фарғонаазот” ва “Навоийазот”дан келтирилади. Бу маҳсулот таннархини барқарор сақлаш имконини бераётди.

Яна бир муҳим томони, модернизация натижасида ишлаб чиқаришга сарфланадиган электр энергияси ва табиий газ харажатларини 35 — 40 фоизга қисқартиришга эришилган. Бундан ташқари, атропо-муҳитни ифлослатирмаслик учун асосий ишлаб чиқариш цехларига тўрт босқичли тозалаш ускуналари ўрнатилган. Илгари бу фақат икки босқичли бўлган.

Корхона йилига 30 миллион доллар маҳсулотни экспорт қилиш қувватига эга. Бугунги кунда МДХ, Европа, Африка ва Осиёнинг 16 давлатига минерал ўғитлар экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари завод бўйлаб юриб, ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Корхона йирик кимё кластерига айланиб, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий намуна бўлиши кераклиги таъкидланди. Завод ходимлари учун замонавий уй-жойлар қуриш, келажақда мактаб ва шифохона лойиҳаларини ҳам назарда tutиш бўйича фикр алмашилди.

Корхона изчил ривожланмоқда ва кейинги босқичлар бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Иккинчи босқич доирасида 50 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилди. Швейцария, Германия, Ҳиндистон, Хитой ва Италиядан замонавий технология ускуналар келтириб ўрнатилди. Ушбу босқичда йилига 24 миллион долларлик калий сульфат, сульфат кислотаси ва аммоний-хлорид ўғитлари ишлаб чиқарилади. 120 та янги иш ўрни яратилади.

Учинчи босқич ишлари 2025 — 2028 йилларда амалга оширилади. Унда моно ва дикальций фосфат, калий-нитрат, азот-фосфор-калий-

ли комплекс минерал ўғит, кальций хлорид, моно аммоний фосфат, моно калий фосфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Лойиҳа қиймати — 100 миллион доллар. 235 та иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятида режалаштирилган янги инвестиция лойиҳалари билан танишди.

Кейинги етти йилда Фарғона вилоятига қарийб 77 триллион сўмлик инвестициялар жалб этилган. Уларнинг натижасида 116 мингта иш ўрни ва 4,5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилган.

Бу йил вилоятда 1,3 миллиард долларлик мингдан ортқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Энди Фарғона вилоятида хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 7 миллиард доллардан зиёд 132 та лойиҳа шакллантирилган. Шундан 2,1 миллиард долларлик 25 таси давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинди.

Лойиҳаларга Австрия, АҚШ, Хитой, Россия, Туркия, Германия, Саудия Арабистони, Кувайт, Япония ва Озарбайжон каби мамлакатлар компаниялари инвестиция киритмоқда. Улар тўқимачилик, озиқ-овқат, тиббиёт, электротехника, қурилиш материаллари, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларни қамраб олган.

Масалан, Хитой инвесторлари билан ҳамкорликда Учкўприк туманида қиймати 50 миллион долларга керамик плиталар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида 500 та янги иш ўрни яратилади. Кува туманида Саудия Арабистони инвесторлари билан биргаликда иситиш ва совитиш тизимлари эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қиймати 50 миллион долларлик ушбу лойиҳа яқунланган, 350 кишининг бандлиги таъминланади.

Мазкур 132 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 23 мингдан ортқ аҳоли иш билан таъминланади.

Президентимиз мутасаддиларга лойиҳаларнинг ҳуқуқий-ташқилий асосларини тезлаштириш, инвесторлар учун барча шaroитни таъминлаш бўйича кўшимча кўрсатмалар берди.

Шaroит ва талабчанлик туфайли бугун ҳудудларда иш суърати юқори. Бир корхона ишга тушиб, бошқалари қуриляпти. Айниқса, саноат тармоқларида лойиҳалар шунчалик кўпки, ҳаммасига улгуриш қийин.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи чоғида энг муҳим лойиҳаларга тўхталиш

анъанага айланган. Фарғона вилоятида ҳам янги корхоналарни ишга тушириш ва қурилишини бошлаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида сўнгги беш йилда Фарғонада саноат ҳажми 1,3 баробарга кўпайганини қайд этди. Экспорт ҳажми қарийб 2 баробарга ошиб, 722 миллион долларни ташкил этган.

Инвестициялар микдори ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. 2018 йилда вилоятда, бор-йўғи 90 миллион доллар сармоа ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1 миллиард 300 миллион доллар бўлган. Чет эл капитални иштирокидаги корхоналар сони 470 тага етган.

Вилоятда 6 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ҳисобидан 110 та ва яна 1,1 миллиард долларлик 22 та маҳаллий лойиҳа бўйича ишлар жадал кетмоқда. Уларда 20 мингдан ортқ иш ўринлари бўлади.

— Илгари вилоятда 6 та лойиҳа қилиш амримаҳол эди. Бугун 6 миллиард долларлик лойиҳалар ҳақида гапиряпмиз. Нима учун? Ўсдик, ривожландик, инвесторларни ишонтирдик, шароит яратдик. Бундай ишларни яна давом эттираемиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Биргина “Кўқон” эркин иқтисодий зонасида 370 миллион долларлик юзга яқин лойиҳалар бажарилиб, 9 мингта янги иш ўрни яратилди. Улар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 60 миллион долларлик экспорт қилинди.

Куни кеча қабул қилинган Президент қарорига кўра ушбу саноат зонаси Кувасой шахри бўйлаб 210 гектарга кенгайтирилди. Унда қиймати 1 миллиард долларлик 185 та лойиҳа жойлаштирилиб, 12 мингта иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, Кўқон шахрида 230 гектар майдонда “Ўзбекистон — Хитой” маҳсулот саноат зонаси ташкил этилади.

Вилоятдаги муваффақиятли лойиҳалардан бири — Сингапурнинг “Indogama” компанияси билан ҳамкорликдаги минерал ўғитлар заводи. Энди унинг юқори самарадор комплекс ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича иккинчи босқичи ишга туширилмоқда ҳамда учинчи босқичи бошланмоқда. Буларнинг натижасида йилига 300 минг тоннадан ортқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қўшимча 50 миллион долларлик экспорт таъминланади.

Маросимдаги яна тўртта лойиҳа энергетика соҳасида. Улар — Бешариқ туманида қуёш электр станцияси, Ўзбекистон туманида электр энергиясини сақлаш тизими, Фарғона туманида кичик гидроэлектростанциялари.

Иқтисодий тизимда электр энергияга бўлган талаб йилига ўртача 6 фоизга ошиб бормоқда. Шу боис аънавий манбалар билан бирга қайта тикланувчи қувватлар ҳам ривожлантирилмоқда.

Сўнгги уч йилда 2 миллиард доллар хорижий инвестиция ҳисобига қуввати 2,4 гигаваатт бўлган 10 та қуёш ва шамол электр станцияси тармоққа уланди. Йил якунига қадар яна 12 та станциянинг қарийб 2,6 гигаваатт қувватлари уланади. Шунингдек, ҳозирги кунда жами 19 миллиард долларлик, 18,3 гигавааттлик 32 та “яшил” лойиҳа амалга оширилмоқда. Муҳими, бундай лойиҳалар ҳар бир вилоятда бор.

Хусусан, Фарғонанинг Бешариқ туманида Германиянинг “Nurec Partners” компанияси билан 500 мегаваттлик қуёш электр станцияси қурилиши бошланмоқда. 350 миллион долларлик мазкур лойиҳанинг дастлабки 200 мегаватти шу йилнинг ўзига тармоққа уланиб, келгуси йилда тўлиқ ишга туширилади. Унда йилига 1 миллиард

600 миллион киловатт соат ёки 675 минг хонадоннинг бир йиллик истеъмолига тенг “яшил” энергия ишлаб чиқарилади. Натижада 466 миллион метр куб табиий газ тежалади.

Ўзбекистон туманида 144 миллион доллар хорижий инвестиция ҳисобига 150 мегаваттлик илк электр энергиясини сақлаш тизими барпо этилади. Хитойнинг “Gezhouba Group” компанияси билан ҳамкорликдаги ушбу мажмуа шу йил якунига қадар ишга туширилади. У электр энергияга талаб ортган вақтда автоматик ишга тушиб, энергетика тизими барқарорлигини таъминлайди.

Ушбу замонавий станциялар энергетика хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодий самарадорликни оширишга, экологик барқарорликни яхшилашга хизмат қилади.

Соҳадаги яна бир йўналиш — сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Сўнгги етти йилда 630 миллион доллар инвестиция ҳисобига 400 мегаваттдан ортқ янги қувватлар барпо этилиб, гидроэлектростанциялар қуввати 2,2 гигавааттга етказилди.

Изланишлар давом эттирилиб, юртимизда 56 мегаватт қувватли 200 та кичик ва микроГЭСлар қуриш имконияти аниқланди. Бу борада алоҳида дастур қабул қилинди. Унинг доирасида Фарғона туманининг чекка ҳудудларида 2 та кичик ГЭС барпо этилди. Биринчиси, Шохимардон қишлоғида қурилган 2,2 мегаваттлик, иккинчиси, Юқори Водил қишлоғидаги 430 киловаттлик станциялардир. Улар яқин маҳаллалардаги аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари раъзий тугмани босиб, битган корхоналар фаолиятини ва янги лойиҳалар қурилишини бошлаб берди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Кўқон университетига яратилган шароитлар билан танишди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги қарори асосида ташкил этилган ушбу таълим маскани 6 минг 400 ўринга мўлжалланган. Ўқув бинолари, 500 ўринли 2 та талабалар тураржойи ҳамда ахборот-кутубхона марказида ёшлар учун барча шароит яратилган. Талабаларга 233 нафар профессор-ўқитувчи сабоқ бермоқда.

Бу ерда хорижий университетлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, 80 га яқин хорижий университет билан шартномалар имзоланган. Университет Туркий тили давлатлар университети кенгаши аъзоси. Ўтган ўқув йилида Кенгашнинг таълим грантлари асосида 22 нафар ўқитувчи Туркия, Озарбайжон, Қозоғистонда малака ошириб қайтди. 15 нафар хорижлик ўқитувчи эса Кўқон университетида малака оширди.

Худудда олти қаватли, икки минг ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси қурилмоқда. Бу ерда ўқув хоналари, фан лабораториялари, типография жойлашади. Шунингдек, икки қаватли ёшлар IT академияси барпо этилмоқда. Уларни шу йил сентябрда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

2022 йилда университетнинг туризм факультети учун минг ўринли янги бино барпо этилган. Давлатимиз раҳбари миллий услубдаги ушбу мажмуани кўздан кечирди. Хориждан профессорларни таклиф этиб, дуал таълим тизимини кенг қўллаш, туризм ташкилотлари буюртмаси асосида талабаларни мақсадли тайёрлаш зарурлиги таъкидланди. Бу соҳада етук назарий ва амалий билимларга эга кадрлар ишлашини таъминлайди.

Шу ерда Фарғона туризм ҳалқасини яратишга оид концепция тақдимот қилинди.

Ўтган йили Фарғонага 430 минг

хорижий турист келган. Лекин вилоятнинг тарихи, сўлим табиатига нисбатан қаралса, бу кам.

Фарғона туризм халқасидан мақсад хорижий ва маҳаллий туристларнинг вилоятда қолиш мuddатини 3 кундан 7 кунгача узайтириш, ташриф объектлари сонини 2 баробар оширишдир. Бунинг учун Фарғона, Олтиариқ, Кува, Учкўприк туманларидаги диққатга сазовор жойлар туризм йўналишларига киритилади. Умуман, ҳалқда 577 та маскан бўлади, 50 дан ортқ савдо-хизмат турлари тақдим этилади.

Президентимиз университет ёнидаги Тепакўрғон археология ёдгорлигини ҳам кўздан кечирди.

Ёдгорлик шаҳар ёнини аниқлагани ҳамда қадимги ўрда ўрнида жойлашгани билан аҳамиятлидир. Яъни бу ер Кўқон шахрининг энг қадимий асосидир.

Хўқанд милодий эра бошларида нафақат йирик шаҳар, балки кичик давлат пойтахти бўлган. У ҳақда кўплаб тарихий манбаларда ёзилган. Кўрғон харабига айланган, узоқ йиллар давомида қабристон бўлган. Бу ерда кўплаб аллома, адиб ва мударрислар дафн этилган.

Ушбу ёдгорлик 2019 йилда моддий маданий мерос объектлари миллий рўйхатига киритилган. 2022 йилда олиб борилган археологик қазув ишлари натижасида ёдгорлик аркининг тузилиши аниқланган.

Давлатимиз раҳбари мазкур археологик ёдгорликни реконструкция ва консервация қилиб, “очиқ осмон остидаги музей”га айлантириш ташаббусини билдирди.

— Зиёрат ўзи хайри иш. Лекин миллат тарихини зиёрат қилиш янада улуг неъмат. Бу ерда ана шундай шароит яратиш керак. Бу одамларга, айниқса, ёшларимизга ҳам билим, ҳам ғурур беради. Кўрғон ҳақида чет эллардаги манбаларни ўрганиб, маълумотларни бойитиб бориш ҳам зарур, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Бағдод туманидаги Юксалиш маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуш шароити билан танишди.

Хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга иختисослашган бу маҳаллада 3 минг 300 нафарга яқин аҳоли яшайди. 560 дан ортқ хонадонларнинг барчасида томорка, ўндан ортқ иссиқхоналар бор. Улардан омилкорлик билан фойдаланиб, икки марталаб ҳосил олинмоқда.

Яна баъзи оилалар ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, каштачилик билан шуғулланиди. Бугунги кунда маҳаллада тадбиркорлик субъектлари сони йигирматадан ошди. Мактаб, боғча ва поликлиника бор. Уларда худуд аҳолисининг бир қисми доимий иш билан банд.

Ўтган йили 131 киши ишга жойлаштирилган. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 22 та лойиҳага 240 миллион сўм кредит ажратилган.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги “Гулнора Матқулобод бодомлари” корхонаси фаолияти билан танишди.

Бағдодда бодом яхши ўсади. Корхона 11 та маҳалладаги 500 дан ортқ хонадонларга бодом тарқатиб, сотувга тайёрлатади. Бир кунда 3 тоннагача маҳсулот қайта ишланади. Ҳозирги кунда пўста юмшатишган мазали бодомлар пойтахтимиз ва вилоятларга етказиб берилмоқда. Тадбиркор аёл энди уни экспорт қилишни режалаштираётганини айтди.



ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ АСОС ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ШАФФОФЛИГИНИ ОШИРАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда бошқа соҳаларда бўлгани каби қурилиш йўналишида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Нафақат йирик шаҳарларимизда, балки олис манзилларда ҳам янги ишоотлар ва уй-жойлар барпо қилинмоқда. Шунга мос равишда соҳага инвестицияни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизими самарадорлигини янада яхшилаш чоралари кўриляпти.

Муносабат

Бу эса шаҳарсозлик фаолияти соҳасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришни тақозо этиши ўз-ўзидан тушунарли. Яъни маъмурий ислохотлардан келиб чиқиб, ушбу соҳада давлат бошқаруви ва аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишининг янги тизимларини тартибга солиш мақсадида Шаҳарсозлик кодексига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳамда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Олий Мажлис Сенатининг куни кеча бўлиб ўтган эллик тўртинчи ялпи мажлисида кўрилган "Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги дав-

лат бошқаруви ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгариш киритиш буйича қонун ана шу мақсадда ишлаб чиқилган.

У билан Шаҳарсозлик кодексига қуйидаги янгиланган киритилмоқда:

биринчидан, аҳоли пунктларининг турлари сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳи, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантириш режалаштириш тарҳлари аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш тўғрисидаги

шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилган;

иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳи ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тарҳларини мунтазам равишда такомиллаштириб бериш буйича устувор йўналишларни белгилаш ваколати берилмоқда;

учинчидан, шаҳарсозлик соҳасидан ваколатли давлат органи — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазириликка шаҳарларнинг бош режаларини соддалаштирилган кўринишда ишлаб чиқиш буйича буюртмачи ва лойиҳа ташкилотига топшириқ бериш ваколати оқлатилмоқда;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳида аҳолини ҳамда ишлаб чиқиш кучларини жойлаштириш тизимини давлат томонидан тартибга солиш, хусусан, ҳудудлар жорий ҳолати ва салоҳиятини аниқлаш ҳамда ўзаро боғлиқлик мақсадла-

рини ва хусусияти, архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари доирасида ҳудудлар ва тармоқлараро давлат манфаатларини мувофиқлаштириш ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини лойиҳалаштириш топширигини ишлаб чиқиш учун асослар белгилашни қайд этилмоқда;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тарҳида аҳолини ҳамда ишлаб чиқиш кучларини жойлаштириш тизимини давлат томонидан тартибга солиш, хусусан, ҳудудлар жорий ҳолати ва салоҳиятини аниқлаш ҳамда ўзаро боғлиқлик мақсадла-

ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурлари ҳамда жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда узоқ даврга мўлжаллаб ишлаб чиқилади.

Ушбу янгиланишлар қандай натижаларга олиб келади?

● фуқароларнинг яшаш ва фаолият муҳити уйғунлигини таъминлашга қаратилган шароитларини тизимли белгилаш баробарида аҳоли пунктлари архитектура қиёфасини яхшилаш ва аҳоли турмуши даражасини кўтариш имконияти яратилади;

● архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари доирасида ҳудудлар ва тармоқлараро давлат манфаатлари мувофиқлаштирилади;

● қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлаш ва рақобатни ривожлантириш орқали соҳада инвестиция муҳити яхшиланади.

Илҳом ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

ЎзлидеП



Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда айрим ҳамюртларимиз автомашинада катта тезликда ҳаракатланаётганини "кўз-кўз" қилиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Шаҳноза Холмаҳаматова** мазкур вазиятга ўз муносабатини билдирди. Унинг фикрича, бундай ўзбошимчилик акс этган видеотасвирлар бошқаларни ҳам шу ҳаракатларни такрорлашга ундаши мумкин. Қолаверса, тезликни ошириш беғуно одамлар ўлимга ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу боис депутат автомобилни белгиланган тезликдан соатига 40 километрдан оширган шахсни 3 йилга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишни таклиф этди.

"Қонунчилигимизда белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан кўп катталикда ошириб юрганлик учун ҳеч қандай иккиликсиз транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиш таклифини билдирдим. Яъни шаҳар ичида тезлик 60 этиб белгиланган бўлса, 100 тезликда юрадиган "шоввоз" ҳайдовчилар транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши шарт", деб ёзади халқ вакили ижтимоий тармоқлардаги саҳифасида.

«Миллий тикланиш» ДП



Ижтимоий тармоқларда тарқалган Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида 30 ёшли эркак 3 ёшли болани қасддан пичоқлаб ўлдиргани ҳақидаги хабар кенг жамоатчиликни ларзага солиди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси **Умида Раҳмонова** ушбу ваҳшийна ҳаракатдан чуқур қайғудалигини маълум қилиб, болага жабр кўрсатган разил кимсалар энг оғир жазага лойиҳаси қилиб таъкидлади.

"Жамоатчилик ва депутатлар бу ҳолатга томошабин бўлмайди. Қотилга тайинланган жазо депутатларнинг назоратидан тушмайди", деб ёзади депутат ижтимоий тармоқдаги муносабатида.

«Адолат» СДП



Қонунчилик палатасининг шу ҳафтада бўлиб ўтган ялпи мажлисида маҳаллий давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари такомиллаштирилгани муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси қўриб чиқилган эди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан янги таҳрирдаги Конституциядаги нормалардан келиб чиқиб, ҳоким ва Кенгаш раиси лавозимлари ажратилмоқда.

Лойиҳа билан киритилаётган ўзгаришга кўра бундан бўён ҳокимликка номзод ўзи бошлагани олдин маҳаллий Кенгаш депутатларига ҳудудни ривожлантиришга оид дастур лойиҳасини тақдим қилади.

"Бу эса номзодни ўзи тавсия этилаётган ҳудудни олдан ўрганиш, унинг ўсиш нукталарини бўлган "драйвер"ларини излаб топиш, қўшимча бўш иш ўринлари яратиш ва, албатта, аҳоли фаровонлигини ошириш борасида фаол иштирокчи бўлиб боришга оид бўлади", деди Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси фракцияси аъзоси **Дилмурод Исмоилов**.

ЎЗХДП



Маълумки, куни кеча Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қўшимча чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Маълум қилинишича, яқин истиқболда ижтимоий тўловлар ва субсидиялар, ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни тайинлаш, тақдим этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнини тўлиқ автоматлаштирилади. "Ижтимоий карта" бир вақтинч ҳўзида ҳам тўлов воситаси, ҳам эҳтиёжманд тоифага мансублик тасдиғи ҳисобланади.

Ушбу янгиланган маълумотлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Зухра Шодиева** ўз фикрини билдириб ўтди.

"Партиямиз электоратининг катта қисми — ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламнинг ҳаётини яхшилашга ҳизмат қиладиган бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлайман. Сабаби электрон тизим орқали хизмат ва ёрдамлар кўрсатилса, биринчидан, инсон омили қисқаради, иккинчидан, фуқароларга қулайлик туғдиради. Қолаверса, соҳани рақамлаштириш орқали ҳам аҳолининг, ҳам давлат ташкилотларининг вақти ва маблағи тежалди", деди депутат.

Ўзбекистон Экологик партияси



Шу кунларда ижтимоий тармоқларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида галладан бўлган ерларга ўт қўйиш ҳолатлари қузатилаётгани билан боғлиқ ахборотлар учраб турибди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси **Наврўзбек Юсупов** фикрига кўра жойларда ерларга ўт қўйиш ҳолатларига бутунлай барҳам бериш учун жамоатчилик ҳамжихатликда ҳаракат қилиши лозим.

"Сомонлар ёқиб юборилган майдонларда тупроқнинг унумдорлиги ва сифати пасайиши билан бир қаторда, сомонноя ёқилишдан пайдо бўлувчи тутун — атмосферани кучли даражада ифлослантиради. Табиатга инсоният томонидан етказилган зиён эртанги кунда ўзимизга қарши ишлаши мумкин. Шу боис кенг жамоатчилик, давлат идора ва ташкилотлари, маҳалла фаоллари бундай ноқонуний ҳолатнинг олдини олиш учун бирлашиб, биргаликда ишлаши лозим", деди депутат.

«Халқ сўзи».

Парламент сўрови

ЯНА БИР ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РАҚАМЛАШТИРИЛМОҚДА

Парламент сўрови парламент назорати шаклидан бири саналади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси давлат органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асосланган тушунириш бериш ёки нуктаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақлидир.

Шундай сўровлардан бири 31 май куни Қонунчилик палатаси мажлиси қарори билан Рақамли технологиялар вазиридан "Электрон ҳуқумат" тизимининг янги босқичига — "Рақамли ҳуқумат" тизимига ўтиш буйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" асосланган тушунириш бериши сўралган эди.

Парламент сўровида айрим давлат органларида электрон давлат хизматлари улушининг пастиги, рақамлаштиришга етарли даражада эътибор берилмаётгани сабабли бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётгани, мисол учун, йўл ҳаракати қоидалари бузилишига доир чиқарилган қарор ва юборилган хабарномалар юзасидан қайта алоқа, яъни электрон мурожаат қилиш хизмати рақамлаштирилмаганига алоҳида ургу берилиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига рақамли хизматлардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон хизматларни жорий этиш ҳолати парламент назоратига олинган эди.

Шу йилнинг 3 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг "Йўл ҳаракати қоидалари бузилишига доир чиқарилган қарор ва юборилган хабарномалар юзасидан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматидаги электрон мурожаат қилишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат парламент сўровида кўтарилган масала ижроси юзасидан эканлиги билан янада аҳамиятлидир.

Яъни қарор парламент сўровида келтирилган юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда:

— 2024 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, йўл ҳаракати қоидалари бузилишига доир чиқарилган қарор ва юборилган хабарномалар юзасидан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматидаги электрон мурожаат қилиши имконияти яратилиши;

— мазкур хизмат Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини "Рақамли ҳуқумат" тизимининг идоралараро интеграцияланган платформасига интеграция қилган ҳолда ЯИДХП орқали кўрсатилиши;

— жисмоний ва юридик шахслар йўл ҳаракати қоидалари бузилишига доир чиқарилган қарор ва юборилган хабарномалар юзасидан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматидаги аънавий (оғзаки ёки ёзма) тарзда мурожаат қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Қайд этиш жоизки, парламент сўрови таъсирида яна бир давлат хизмати рақамлаштирилмаётгани эътиборга молик бўлиб, бу аҳоли манфаатларини таъминлашга, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилади.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

Қонунчилик палатасида

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ОИД ИШЛАР — ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Маълумки, 26 — 28 июнь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ижро этилиши ҳолати назорат-таҳлил тартибидан ўрганилган эди.

Кеча парламент қўйи палатасида мазкур қўмита ташаббуси билан ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида ушбу ўрганиш яқунлари атрофлича муҳокама қилинди.



Кейинги йилларда мамлакатимизда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар сонини 13 тадан 22 тага ошди. Шунингдек, Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида "Халқро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисидаги 155-сонли Конвенциясини (Женева, 1981 йил 22 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Йиғилишида қайд этилганидек, ўрганишлар давомида бугунги кунда Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги 44 та тиббиёт муассасасида 41 минг 525 ходим фаолият кўрсатиб келаётгани, улар-

нинг 3 минг 311 нафарини пенсионерлар ташкил қилаётгани маълум бўлди.

Шунингдек, зарарли шароитда ишловчи ходимлар иш ўринлари аттестациядан ўтказиш белгиланган муддатларда ташкил этилаётган меҳнат шариоити нуқуллай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар буйича махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланмоқда.

Бундан ташқари, Сурхондарё вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсиз меҳнат шариоитларини таъминлаш борасида тарғибот ва назорат тадбирлари мунтазам амалга оширилмоқда.

Келтириб ўтилганидек, бугунги кунда вилоят буйича давлат меҳнат инспекторлари сони 25 нафарни ташкил этади. Шундан бошқарма

аппаратида 10 нафар, ҳар бир туман ва шаҳарда биттадан ҳуқуқ инспектори фаолият олиб бораётган.

Ўрганишларда соҳада айрим муаммолар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилган тадбир давомида айтиб ўтилди. Жумладан, 2024 йилнинг тўрт ойи давомида меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилиши юзасидан 1 103 та назорат тадбири ўтказилиб, уларда 2 107 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Уларнинг 1 193 таси бевосита меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шариоитлари яратилмагани билан боғлиқ. Хусусан, 629 та ҳолатда ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш буйича йўл-йўриқлардан ўтказилмасдан ишлашига ружаст берилган, 182 та ҳолатда қорхонада меҳнатни муҳофаза қилиш буйича ходимларни ўқитиш ва билимларини текшириш ташкил этилмаган, 13 та ҳолатда ходимлар махсус кийимлари билан таъминланмаган, 157 та ҳолатда меҳнатни муҳофаза қилиш буйича чора-тадбирлар ва режалар ишлаб чиқилмаган. Уларни бартараф этиш буйича давлат меҳнат инспектор-

лари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган 554 та ёзма кўрсатма, 21 тақдимнома киритилган. 661 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган.

Бундан ташқари, ўрганилган муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларининг малакаси оширилмаган, айримларида меҳнатни муҳофаза қилиш хонаси ёки бурчаги кўрғазмали қуроллар билан етарли даражада таъминланмаган ҳолатлар аниқланган.

Муҳокамада депутатлар томонидан ўрганиш давомида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклиф ҳамда тавсиялар берилиб, маъсулларнинг бу борадаги жавоблари эшитилди. Ушбу масалалар юзасидан соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ва унинг ижроси устидан самарали парламент назоратини янада қучайтиришга келишиб олинди.

Яқунда кун тартибиданги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТАЪЛИМ

МИННЕСОТА УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ



Учрашувда таълим тизимида илмий-амалий лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш буйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

— Миннесота университетига 1851 йилда асос солинган бўлиб, таълим сифати буйича дунёнинг "ТОП-100"талигидан

Ҳар қандай олий таълим муассасасининг ўқув ва илмий салоҳиятини, рақобатбардошлигини оширишда самарали халқаро алоқалар муҳим.

Навий давлат педагогика институти ректори М. Калоновнинг Америка Қўшма Штатлари Миннесота университети проректори, профессор Х. Чарлз билан учрашувида олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш хусусида сўз борди.

Ўзаро ҳамкорлик доирасида биология, кимё ва тиббиёт йўналишларида талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш, фан дастурларини биргаликда такомиллаштириш борасида таҳриба алмашишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш буйича ҳуқумат комиссиясининг тегишли баённомасига мувофиқ шу йилнинг 1 июлидан 1 августга қадар давом этадиган ёнғин хавфсизлигини таъминлаш буйича «Долзарб 30 кун»лик тадбирлари Жиззах вилоятида ҳам қизгин ўтаётган.

